# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 21-NOYABR, JUMA, 139 (8376)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Шу кунгача Тошкент вилоятининг баъзи туманларида айни қишлиқировли кунлар бошланиши билан газ босимининг пасайиб кетиши туфайли таъминот масаласида турли муаммолар келиб чиқарди. Эндиликда газ таъминотида қиш мавсумида ҳам доимий барқарорликка эришилаётганлиги алоҳида эътирофга молик.**



**Тадорикни эрта кўрган, эрта уруғ қадаган ғаллакорларимиз аллақачон буғдойни ундириб олиб, яшил майсалар парваришига киришишган. “Кузги донни қишгача майсалат” ибораси донишманд бободеҳқоннинг кўп йиллик кузатишу хулосаларидан келиб чиққан. Шу боис, бугун ғаллакорларимиз кузги ғалла парваришига жиддий ёндашишмоқда.**



**Бу йил олтин куз барокатли келди. Дастурхонларнинг тўкин-сочинлигини кўриб, ноз-неъматларга қўл узатаётиб, қайта-қайта шукр дейсиз. Хонадонларнинг томорқаларида, фермерларнинг далаларида пишиб етилган маҳсулотлар шу қадар бисёрки, мўл-кўлчилик бозорларимизни ҳар қачонгидан кўра обод қилмоқда.**

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ОЛТИН ДАЛА МАҲСУЛОТЛАРИ

**Пойтахтимиздаги “Кўргазмасавдо” марказида боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳасидаги – “AgroFood – 2014” халқаро кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси, Озиқовқат саноати корхоналари уюшмаси, халқаро ташкилотлар кўмагида “Expocontact” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан ташкил этилди.**



“Кўргазмасавдо” маркази залига кирар экансиз, беихтиёр ўзингизни мўъжизакор табиат қўйнига тушиб қолгандек ҳис этасиз. Чоратрофдаги турли дарахт ва гул кўчатлари ҳамда тўрт фаслга хос мева-сабзавотлар қатор терилган расталар сизда ана шундай таассурот уйғотади.

Кўргазмада 70 га яқин фермер хўжалиги, агрофирма, асаларичилик ва гулчилик соҳаси вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, халқаро ҳамкорлар томонидан мева, сабзавот, полиз ва цитрус экинларининг энг сара навлари, шунингдек, турли манзарали ўсимликлар билан бирга, ландшафт дизайни бўйича технологиялар, замонавий иссиқхоналар, қуёш қуритгичлари, органик ва минерал ўғитлар, узумчилик, асаларичилик маҳсулотлари ҳамда асалари уяси учун замонавий ишланмалар, турли асбоб-ускуналар тақдим этилмоқда.

– Асаларичилик маҳсулотлари орасида тоғолди ҳудудларида етиштирилган асалга тенг келадигани йўқ, – дейди Тошкент шаҳри асаларичилари уюшмаси аъзоси Турсунхўжа Тожихўжаев. – Сабаби, асаларилар ҳеч қачон бир хил гиёҳдан бол йиғмайди. Тоғолди ҳудудларида эса гул кўп, гиёҳ кўп. Шу боис ҳам бу жойлардан йиғилган болнинг шифобахшлик хусусиятлари кўп бўлади. Бугунги тадбирда асалари маҳсулотлари билан бирга асаларичилик учун керакли анжомлар ҳам тақдим этилмоқда. Энг муҳими, ушбу кўргазма тажрибалар алмашиш учун муҳим майдондир.

Бугун кўплаб фермер хўжаликлари ҳам замонавий, ҳам камхаржли ва кўп даромадли боғ деганда, интенсив боғлар ва унинг афзалликлари ҳақидаги сўз юритади. Улар учун мевали дарахт кўчатларининг ўзимизда кўпайтирилаётгани эса эътиборга моликдир.

(Давоми 3-саҳифада)




Қорақалпоғистон Республикаси

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

*Нукусда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбирда 40 дан зиёд корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.*

– Асосий мақсадимиз олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашдан иборат, – дейди Нукус шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мониторинг гуруҳи раҳбари Бахтиёр Сарсенбоев. – “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида жорий йилнинг ўзида 7 марта ярмарка ўтказилди. Йил охиригача яна шундай тадбир ўтказиш режалаштирилмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Андижон Вилояти

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЁШЛАР БОШҚАРМОҚДА

*Асака шаҳридаги “Idas Elektroniks System” МЧЖда автомобиллар учун электрон соатлар ва автомагнитолалар ишлаб чиқарилмоқда.*

– Маҳсулот тайёрлаш жараёнида унинг сифатига алоҳида эътибор қаратилади, – дейди корхона сифат назорати бўлими менежери Рауфбек Аҳмадбеков. – Маҳсулот энг сўнгги русумдаги функциялар асосида қайта кўриб чиқилади, техник хавфсизлиги муфассал текширилади. Шундан сўнг лабораторияда маҳсулот сифати яна бир бор кўрикдан ўтказилади.

Корхонага кирар экансиз, ёш мутахассислар замонавий ишлаб чиқариш воситаларини моҳирлик билан бошқараётганини кўриб ҳавасингиз келади. Корхонада кўплаб коллеж ўқувчилари амалиёт ўташмоқда.

– Коллежни тугатиб, шу ерга ишга келдим, – дейди Муҳаммаджон Худойбердиев. – Қисқа вақт ичида замонавий технологияларни бошқаришни ўзлаштириб олдим.

Айни пайтда корхонада бир йилда 140 мингдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

**Отабек УМАРОВ**

Тошкент Вилояти

## КЎМИР БРИКЕТИ – ҲАР ЖИҲАТДАН ҚУЛАЙ

*Ангрен махсус индустриал зонаси ҳудудида оддий кўмир кукунларидан брикет тайёрлашга ихтисослаштирилган “Jun Long Industrial” – Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолияти бошлади.*

3,2 миллион АҚШ долларилик хорижий сармоя эвазига очилган корхонада 70 нафар киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг асосий қисмини коллежни битирган йигит-қизлар ташкил этади. Айни вақтда кўмир кукунидан кунига 100 тоннага яқин брикет тайёрлаётган корхона ўз маҳсулотларини мамлакатимиз ички бозорига етказиб бермоқда.

– Ўтган қисқа фурсатда 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот сотишга эришдик, – дейди қўшма корхона мутахассиси Алишер Исломов. – Оддий кўмирга нисбатан брикетларимиздан фойдаланишнинг қулайлиги, айниқса, ҳароратни узоқроқ сақлаб туриши унинг харидоргирлигига омил бўлмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ**

○ Кўргазма



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

**Бугунги кунда республикамизда ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом тарзда вояга етказиш йўлида давлатимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Болалар учун ишлаб чиқарилаётган спорт инвентарлари ва асбоб-ускуналари уларнинг соғлом бўлиб вояга етишида муҳим роль ўйнайди.**

“Ўзэкспомарказ”да бўлиб ўтаётган “Sport World Uzbekistan – 2014” ва “Болалик дунёси – 2014” кўргазмаларида шу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар самаралари намойиш этилмоқда.

Бу кўргазмалар “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёрдамида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш йўлида ташкил этилди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган устувор вазифалардан бири – мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, комиллик сари интилувчан, мустақил фикрига эга бўлган авлодни вояга етказишдир.

(Давоми 2-саҳифада)

○ Анжуман

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Банк-молия академияси томонидан иқтисодиётимиз реал сектори корхоналарини модернизация қилишда банк-молия институтлари иштирокининг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ташкил этилди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим соҳаси вакиллари, молия-кредит ташкилотлари экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев, Марказий банк раисининг ўринбосари А.Ҳайдаров ва бошқалар таъкидлашганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ этиш ҳамда эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари унинг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминламоқда. Иқтисодиётнинг реал сектори корхонларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, қўшимча инвестициялар жалб қилиш, аҳолининг банк-молия муассасаларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга, молиявий хизматларнинг тўлақонли бозорини шакллантиришга, шунингдек, бу борада аҳоли ва мижозларга зарур шарт-шароит ва имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида мамлакатимиз молия-банк тизими иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг ҳал қилувчи кучи бўлган барқарор ва ишончли соҳага айланди.

(Давоми 2-саҳифада)

○ Инсонпарварлик

## АФВ ЭТИШ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ДАЪВАТДИР

### БУ ЭСА КЎП АСРЛИК ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДАН БИРИ

***Мамлакатимизда инсонпарварлик ва бағрикенгликка эътибор тобора кучаяётгани бежиз эмас. Чунки биз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этяпмиз. Барча соҳада, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳам айнан шу эзгу мақсадга қаратилган.***

**ЎЗИ ҲАМ, ЯҚИНЛАРИ ҲАМ МАМНУН**

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Арганчи” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 23 ёшли Дониёр Ҳамдамов эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этиб, суд томонидан озодликдан маҳрум қилинган эди. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарори эълон қилингач, Дониёр декабрь ойининг охирида оиласи бағрига қайтди.

Ҳаёти ҳали олдинда бўлган бу йигитга нисбатан амнистия қўлланилгани унинг оила аъзолари, айниқса, ота-онасига чексиз қувонч бағишлади. Қариндошлари, танишлари ҳамда қўни-қўшнилари ҳам бу қувончга шерик бўлди. Дониёр ўзи яшаётган “Жумабозор” маҳалла фуқаролар йиғини, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмагида дарҳол ишга жойлашди. Ҳозир у тумандаги “Тўйчиев Фурқат” фермер хўжалигида ишлаяпти. Энг муҳими, Дониёр тўғри йўлга тушиб олган. Бундан унинг ўзи ҳам, яқинлари ҳам мамнун.

Бугунги кунда юртимизнинг турли гўшаларида Дониёрнинг ота-онаси, оиласи сингари амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинишини орзиқиб кутганлар оз дейсизми? Шу маънода, қанчадан-қанча оилаларда амнистия акти шарофати билан хурсандчилик бўлаётганини тасаввур этиш қийин эмас.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq HAYOTI
2014 йил 21 ноябрь

# «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси:

# ТАЪМИНОТ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Шу кунгача Тошкент вилоятининг баъзи туманларида айни қишли-қировли кунлар бошланиши билан суюлтирилган газ босимининг пасайиб кетиши туфайли таъминот масаласида турли муаммолар келиб чиқарди. Бу эса, табиийки, аҳоли эътирозларига сабаб бўларди. Эндиликда газ таъминотида қиш мавсумида ҳам доимий барқарорликка эришилаётганлиги алоҳида эътирофга молик.**

**Қарор ва ижро**



*— Жамоамизнинг асосий мақсади йилнинг ҳар бир фаслида истеъмолчиларга етказиб берилаётган газ таъминоти барқарорлигини назорат қилишдир, — дейди “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси раҳбари Акмал Йўлдошев.*

– Сўнгги вақтларда кўплаб шаҳар ва тумангаз филиалларимиз “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг амалий ёрдами билан техник жиҳатдан қулай шарт-шароитларга эга бўлиб бораётганлиги муҳим омил касб этмоқда, – дейди “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси раҳбари Акмал Йўлдошев. – Хусусан, ўтган қисқа даврда бир қатор филиалларимиз янги маъмурий биноларга кўчиб ўтдилар. Айримлари мукаммал таъмирланиб, қулай ва замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган офисларга эга бўлдилар. Бундан ташқари, филиалларимизнинг транспорт воситалари билан таъминланганлиги истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Қолаверса, Президентимизнинг 2014 йил 27 июндаги “Иқтисодиёт корхоналарини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида”ги Қарори таъминотнинг намунали йўлга қўйилишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2014-2015 йилларда қиш мавсуми учун ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли хонадонларига газ етказиб бериш ҳамда газ тармоқларини мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, ер ости газ қувурларини махсус ускуналар ёрдамида текшириш режадаги 437,8 километр ўрнига 558,4 километр масофада амалга оширилди. Таъмирлашга муҳтож бўлган 17,5 километр масофадаги газ қувурлари мукаммал созланиб, 33 километр узунликдаги газ қувурлари реконструкция қилинди. Жойларда 7941 дона ГТНларнинг фаолияти назоратдан ўтказилди. Бу борада Ўрта Чирчиқ, Пискент, Оққўрғон, Бўка ҳамда Қуйи Чирчиқ тумани филиаллари томонидан бир қатор ибратли ишлар қилинди.

“Оққўрғонтумангаз” филиали 14 минг 509 та хонадон ҳамда 290 та улгуржи истеъмолчиларга хизмат кўрсатади. Жорий йил мавсумига пухта тайёргарлик кўрилганлиги туфайли қишли-қировли кунларда ҳам газ таъминотида барқарорлик сақланади.

– Филиал раҳбарияти ҳамда техник-муҳандис ходимларнинг фаолликлари туфайли барча тиббиёт муассасаларимизда ҳам газ таъминотида узилишларга йўл қўйилмаяпти, – дейди Оққўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Дониёр Пирназаров. – Мутахассислар кечаю кундуз навбатчилик асосида узлуксиз газ таъминотини йўлга қўйишмоқда.

Тумандаги “Қаҳрамон” ҚФЙ ҳудудидаги Ғафур Ғулом кўчасида илгарилари, ҳатто ёз мавсумида ҳам узилишлар бўлиб турарди. Ушбу кўчадаги 179-хонадонда истиқомат қилаётган уй бекаси Гулчеҳра Йўлдошхонованинг эътироф этишича, бугун аҳоли газ таъминотидан мамнун.

“Пискенттумангаз” филиали эса айни вақтда 12 минг 600 та хонадон ҳамда 300 та улгуржи истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатмоқда. Ёш мутахассис Рустам Деҳқонов раҳбарлигидаги жамоа техник-муҳандис ходимлари газ таъминоти бўйича изчил чора-тадбирлар асосида фаолият юритмоқда.

– Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларга мутахассислардан иборат алоҳида гуруҳлар бириктирилган бўлиб, улар доимий равишда газ таъминотини назорат қилиб боришмоқда, – дейди филиал раҳбари Рустам Деҳқонов. – Бундан ташқари, диспечерлик ва навбатчилик хизматлари куннинг исталган вақтида жойларда учраши мумкин бўлган барча муаммоларни бартараф этишга ҳамиша шай ҳолда туришибди.





**Иброҳим ТОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасида Янги таҳрирдаги “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ва асосий қоидаларини тушунтиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

# БИРЖАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Унда қайд этилдики, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунга янги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонунда товар-хомашё ва молия биржаларини тартибга солишни янада такомиллаштириш, биржа битимлари иштирокчилари учун кафолатларни кучайтириш, яъни хўжалик субъектларининг товар-хомашё ва молия биржаларидаги иштирокини таъминлаш белгилиб қўйилган.

Янги таҳрирдаги қонун аввалгисидан тубдан фарқ қилиб, эндиликда товар-хомашё, фонд ва валюта биржалари фаолиятига кенг татбиқ этилади. Халқаро андозаларга мос равишда қонуннинг “биржа фаолияти”, “биржа товари”, “биржа листинги” сингари тушунчаларига аниқлик киритилиб, ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, “котировкалаш”, “биржанинг котировкалаш варағи”, “клиринг” каби янги тушунчалар ва бошқа ўзгаришлар биржа фаолиятини янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, ушбу қонун биржа фаолияти ва биржалар иши масаласида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини жорий этиш учун шароит яратиб, биржа бозори иштирокчилари, акциядорлар ва давлат манфаатлари мувозанатини таъминлайди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижроси ўлароқ, иқтисодиёт секторини барқарор ривожлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижобий самара бераётир.

Жумладан, тадбир давомида жорий йилнинг ўтган 10 ойида иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 31,8 триллион сўм банк кредитлари йўналтирилгани маълумот ўрнида айтиб ўтилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,8 фоиз кўп демакдир. Шунингдек, инвестицион кредитлар миқдори 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 24,1 фоизга ўсиб, ушбу кўрсаткич 7,2 триллион сўмдан ошди.

Юртимиз иқтисодиётида тобора етакчи кучга айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада қулай ишбилармонлик муҳити яратишда тижорат банклари фаол иштирок этмоқда. Шу йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 8 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилгани фикримизнинг тасдиғидир. Ушбу сармоялар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ва лойиҳаларига йўналтирилди. Натижада кўплаб иш ўринлари яратилиб, аҳоли фаровонлиги ошди.

Халқаро андозалар асосида банк назоратининг самарали амалга оширилаётгани, банк ликвидлиги ва активлари сифати устидан доимий мониторинг олиб борилаётгани Ўзбекистон банкларининг халқаро даражада юқори рейтинг кўрсаткичларга эришаётганининг кафолати бўлмоқда. Бугунги кунда жаҳондаги етакчи “Fitch” “Standard & Poor`s” “Moody`s” рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг барча тижорат банкларига барқарор рейтинг кўрсаткичларини берган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ютуқ ва муваффақиятларга эришаётгани халқаро молия муассаса ва институтлари томонидан ижобий баҳоланмоқда. Жумладан, Жаҳон банки гуруҳининг 2014 йилнинг 29 октябрида эълон қилинган “Бизнес юритиш – 2015: Самарадорлик доирасидан чиқиб” мавзусидаги маърузасида Ўзбекистон ўтган йилга нисбатан ўз позициясини 8 бандга яхшилаган.

Анжуман давомида экспертларнинг қирқдан зиёд маърузаси тингланди. Айниқса, уларда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига кредит ажратиш, ушбу корхоналарни модернизация қилишда фискаль сиёсат механизмларини такомиллаштириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишда банклар иштирокини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз молия институтларининг бухгалтерлик ҳисоби ва аудит тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, пенсия ва суғурта жамғармалари маблағларидан фойдаланиш механизмлари самарадорлигини ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

# ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Унда таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот ва “Оила” илмий-амалий марказлари, Дин ишлари бўйича қўмита ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда



эрта оила қуриш натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилган 70 мингга яқин, ёш оилаларнинг ажралиб кетиш ҳолатлари бўйича эса 65 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Уларда 7 миллионга яқин аҳоли иштирок этди. Маҳаллалардаги “Ота-оналар университетлари” томонидан ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини оширишга қаратилган изчил ишлар олиб борилмоқда.

Фонд томонидан маҳаллаларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга оиланинг муқаддас эканлигини тушунтириш ва кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқаролар йиғинларининг йил бошидан ҳозирга қадар ёшлар ўртасида олиб борган тушунтириш ишлари натижасида 40 мингдан ортиқ оилада турли низоларнинг олди олинди. 20 мингга яқин оила яраштирилди ҳамда 205 мингдан зиёд фуқаро иш билан таъминланди. Шунингдек, 80 мингга яқин оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Тадбир давомида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз борди. Таъкидланганидек, ўтган даврда “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларига, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда жисмоний имконияти чекланганларга кийим-кечаклар, ногиронлик аравачалари, ортопедия мосламалари ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Қолаверса, 20 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари соғломлаштириш оромгоҳларида дам олди.

Анжуман якунида ёшлар тарбияси, маҳаллада эрта никоҳ ҳамда оилавий низоларнинг олдини олиш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда “Маҳалла” фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган муҳим вазифалар, шунингдек, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятини янада кучайтириш вазифалари белгилаб олинди.

**Ж.ЭШНИЁЗОВ**

# КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом вояга етказишда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида бир қатор ишлар бажарилди. Бугун республикамизда касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар қошида ҳамда аҳоли яшаш пунктларида кўплаб замонавий спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Барпо этилаётган замонавий спорт залларининг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари келажак авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида катта аҳамият касб этади. Ёшларимиз жаҳон спорт ареналарида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашида юксак роль ўйнайди. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари дастуриламал бўлаётир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан шу кунгача мамлакатимизда 271 та янги спорт комплекси, 934 та спорт зали қурилди. 96 та сузиш ҳавзаси ва 285 та спрот иншооти реконструкция қилинди. Шунингдек, 230 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Янгидан бунёд этилган ва реконструкция қилинган ушбу иншоотларнинг 80 фоиздан ошиғи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги алоҳида эътиборга молик. Спорт иншоотлари эса юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт инвентарлари ва анжомлари билан таъминланмоқда.

Бундай турдаги спорт жиҳозларини ишлаб чиқаришда, айниқса, “Машхим”, “Хўжаобод”, “Қалб меъмори Нур”, “Мини текс”, “Азия спорт С” ва “Фурқат-Сардор” каби корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналар томонидан кўргазмаларда намойиш этилаётган маҳсулотлар иштирокчиларга манзур бўлмоқда.

– Жорий йилда корхонамиз томонидан 50 дан ортиқ спорт иншоотлари қурилди, – дейди “Sportplay” компанияси иш бошқарувчиси Нилуфар Мирзараҳимова. – Уларнинг аксариятини болалар спорт майдончалари ташкил этади. Болалар учун қурилаётган махсус пластик қопламали майдончалар мижозларимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинмоқда. Бундай турдаги спорт майдончалари болаларнинг жисмонан соғлом бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этади.

“Болалик дунёси – 2014” кўргазмасида болалар ва ўсмирлар онгини чархлаш ва билим савиясини ошириш йўлида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар иштирок этмоқда. Шунингдек, болалар санитария-гигиена воситалари, кийим ва пойабзал маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Болалар адабиёти бўлимида эса “Янги аср авлоди”, “Чўлпон”, “Ўқитувчи” ҳамда “Ўзбекистон” каби республикамизнинг нуфузли нашриётлари томонидан болалар учун чоп этилган китоблар барчага бирдек манзур бўлмоқда.

Бундан ташқари, “Toys-Plast”, “Avrangzeb”, “Ustazoda” болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда “KEDR”, “Гранд мебель” корхоналари томонидан кўргазмага қўйилган болалар мебеллари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар асосан болалар онги ва фикрлаш даражасининг ошиб боришида жуда қўл келади, – дейди “Toys-Plast” корхонаси иш юритувчиси Нозим Музаффаров. – Бола бошдан, деб бежизга айтилмаган. Чунки болаликдаги оддийгина қизиқиш келажакда унинг ҳаёт йўлини белгилаб беради. Биз тайёрлаётган ўйинчоқлар ана шу оддийгина қизиқишни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, иштирок этаётган корхона ва компаниялар кўргазмада товарларини намойиш этиш баробарида янги ҳамкорлар орттириш имконига эга бўлаётир. Бундан ташқари, улар кўргазмага ташриф буюрган хорижий давлатларнинг спорт ва болалар товарларини тайёрлайдиган компания вакиллари билан мулоқотда бўлиб, ўзаро тажриба алмашишга муяссар бўлмоқда.

**Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ**

# АФВ ЭТИШ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ДАЪВАТДИР

## БУ ЭСА КЎП АСРЛИК ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДАН БИРИ

**(Боши 1-саҳифада)**

### СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАСИ

Шу йилнинг 14 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Тобора яқинлашиб келаётган, ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга байрамимиз олдидан эълон қилиниши эзгу анъанага айланган амнистия тўғрисидаги қарорларни инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби миллий ва умуминсоний қадриятларнинг яққол ифодаси дейиш мумкин. Шунингдек, улар мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган изчил ислоҳотларнинг юксак самараси ҳамдир.

Бу борада сўз юритганда, ўтган йиллар давомида соҳага тааллуқли бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилингани ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани суд-ҳуқуқ тизимида туб бурилиш ясаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир. Улар ўз моҳияти нуқтаи-назаридан муқаддас диёримизда инсонпарварлик, кечиримлилик ва бағрикенглик тамойиллари юксак қадриятга эгалигини яна бир карра тасдиқлайди.

Қайд этиш керакки, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, тайинланган жазо турини енгилроғи билан алмаштиришга қаратилган амнистия акти миллий қонунчилигимиз асосида ва умумдемократик тамойиллардан келиб чиққан ҳолда йил сайин такомиллаштирилмоқда. Шу ўринда жорий йилнинг 14 ноябрида қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорнинг олдингиларидан қандай фарқи бор, деган савол туғилиши табиий.

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида қайд этилган жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига қараб, тўрт тоифага – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўрта оғир жиноятларга бўлинади, – дейди Тошкент давлат юридик университети жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси мудири, профессор Қумринисо Абдурасулова. – Яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорнинг 7-бандида қайд этилганлардан ташқари, юқорида санаб ўтилган жиноятларни содир этган шахсларнинг деярли барчасига амнистия алоҳида ёндашув асосида, яъни қарорнинг тегишли бандларида белгиланган тартибда қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноят, яъни фирибгарликни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга эса амнистия актининг татбиқ қилинмаслиги бу галги янгиликлардан биридир. Ушбу янгилик жабрланувчиларнинг мулкий ҳуқуқларини тиклашга, бинобарин, уларнинг қонуний манфаатларини кафолатлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

### ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ

Жорий йилги амнистия тўғрисидаги қарор ижросининг натижасида турли жиноятларни содир этиб, суд ҳукми билан жазони ўтаётган маҳбуслар муддатидан олдин озодликка чиқарилади. Яна бир қатор маҳбусларга тайинланган жазо тури енгиллаштирилади. Бу эса юртимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати муқаддас эканидан, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясига доимий эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, амнистия имтиёз эмас, балки билиб-билмай, адашиб жиноят кўчасига кириб қолган шахсларнинг тўғри йўлга тушиб олишлари учун берилган имкониятдир. Бу имконият эса ундан баҳраманд бўлиб, оқилона фойдаланаётганларни жамиятда муносиб ўрин топиб олишларида, турмушнинг паст-баланд сўқмоқларида қайта адашмасликка ундаши даркор.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ**

Фарғона Вилояти

# БУГУНГИ ШУДГОР ЕРНИ ҚИШДА ҲАМ ИШЛАТАДИ

***“Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда” деган ибратли мақол бор. Зеро, кузда соз ва оби-тобида ҳайдалган экин майдонлари мўл ҳосил гаровидир. Ерини кузда сифатли шудгор қилиб, вақтида чигитни эккан фермерлар салмоқли хирмон кўтараётганини барча кўриб турибди.***



*Тошлоқ тумани қишлоқ хўжалик техникаси бўйича давлат инспектори Соҳибжон Жўраев “Турғун ота” фермер хўжалигининг ҳосилдан бўшаган далаларини сифатли шудгор қилаётган механизатор Ўткиржон Нурматовга ўз маслаҳатларини бермоқда.*

Фарғоналик бободеҳқонлар кузги шудгорни ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири деб билишади. Ўтган йилнинг кузида ҳам шудгорлашга алоҳида эътибор қаратилгани боис, 2014 йилда пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка, мойли, дуккакли ва озуқа экинларининг ҳосилдорлиги юқори бўлди. Қишлоқ хўжалигининг бош бўғини – пахтачилик бўйича вилоятда олиб борилган ишлар самарали якунланиб, режа ортиғи билан уддаланди.

– Юртбошимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида Бешариқ ва Қува туманлари номининг тилга олингани вилоятимиз аҳлини хурсанд қилди, – дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Равшанбек Қурбонов. – Чиндан ҳам бу туманларда пахтачиликда белгиланган режа қисқа фурсатда, 20-25 кунда бажарилди. Бу ютуқларнинг асосий сабаби, кузги шудгорга катта эътибор берилгани, кузги-қишки тадбирлар вақтида бажарилгани, тупроқ шароитига мос навлар танланганида бўлди, десак адашмаймиз. Бундан ташқари, ғўза парваришида илғор технологиялар қўллангани, суғориш, культивация ҳамда дефолиация қулай муддатларда ўтказилгани ҳам муваффақиятлар омили бўлди. Бу йилги кузги шудгорлаш ишларида ҳам ушбу туманлар вилоятда пешқадамлик қилишмоқда.

Кузги шудгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан вилоятда изчил ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 124 та шудгорлаш отряди ташкил этилиб, уларга 480 та ҳайдов трактори бириктириб қўйилди. Шундан 300 таси юқори унумли трактор бўлиб, уларнинг кунлик иш ҳажми оддий тракторларга қараганда анча юқори.



Туманларда ерларни шудгорлаётган ҳайдов тракторларининг 480 нафар механик-оператори ва уларнинг 480 та ёрдамчилари тажриба ва кўникмага эга бўлган, малакали мутахассислардир. Вилоят бўйича кузги шудгорлаш ишларини сифатли бажараётган 960 нафар механик-оператор ва уларнинг ёрдамчиларига керакли кўрсатмалар берилиб, иш ҳақлари вақтида тўланганлиги ҳам диққатга молик. Бундан ташқари, сифатли иш бажараётган ва топшириқни ортиғи билан адо этаётган тракторчилар рағбатлантириляпти.

Кузги шудгорлаш бошлангандан бери вилоят бўйича ҳар бир ҳайдов техникаси икки сменада иш олиб бормоқда. Бунинг натижасида уларнинг иш унуми 7,5-8 гектарни ташкил этмоқда. Унумдорлиги юқори бўлган “МХ-240”, “Магнум” русумли тракторлар эса ҳар куни 9,5-10 гектар ерни шудгор қиляпти.

Шудгорлашда вилоят бўйича пешқадамлик қилаётган Тошлоқ тумани далаларида ҳам иш бир лаҳза бўлса-да тинмайди.

– Туман фермерлари, барча қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассислари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилганликлари боис, жорий йилда вилоятда пешқадамлар сафида пахта тайёрлаш режасини ошириб бажардик, – дейди тумандаги “Луқмоновлар” фермер хўжалиги раҳбари Икромжон Луқмонов. – Муҳтарам Юртбошимизнинг биз пахтакорларга йўллаган табригидан бошимиз осмонга етди. Мана бир неча йилдирки, Тошлоқ тумани ҳосилдорлик жиҳатидан олдинда. Туман бўйича гектар бошига ўртача 38 центнердан ҳосил етиштириляпти. Ваҳоланки, яқин йилларда ҳам туманимиз ерларининг мелиоратив ҳолати унча яхши эмас эди. Илғорлар тажрибасидан унумли фойдаланганимиз, навни танлаб экаётганимиз ва, энг муҳими, кузги шудгорлашга катта эътибор бераётганимиз туфайли ютуқлар салмоғи ошмоқда. Бу йил хўжалигимиз 125,1 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Давлатга сотилган пахтанинг 473 тоннаси ёки 90 фоизи юқори навларга қабул қилинди. Бу билан пахтанинг ўзидан 250 миллион сўм соф фойда олдик.

Сирасини айтганда, кузги шудгор ерни қишда ҳам ишлашга мажбур қилади. Чуқур шудгор остида қолган бегона ўтлар, уларнинг уруғи чирийди, ер қишда қор остида кўпчийди, нафас олади, ҳовур чиқаради. Ҳашаротларга, уларнинг тухумига қирон келади. Келаси йилда ҳосилга камида 7-10 центнердан ҳосил қўшилади...

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

*Ғаллакорларимиз тилида шундай ибора бор: Деҳқон бўлсанг кузда эк, яхши ҳайдаб бўзга эк. Тадорикни эрта кўрган, эрта уруғ қадаган ғаллакорларимиз аллақачон буғдойни ундириб олиб, яшил майсалар парваришига киришишган. “Кузги донни қишгача майсалат” ибораси донишманд бободеҳқоннинг кўп йиллик кузатишу хулосаларидан келиб чиққан. Шу боис, бугун ғаллакорларимиз кузги ғалла парваришига жиддий ёндашишмоқда.*

# КУЗДА ТУПЛАГАН МАЙСАЛАР

## ҚИШ ҚАҲРАТОНИДАН БЕТАЛАФОТ ЧИҚАДИ

Суғориладиган деҳқончилик шароитида кузги буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқдаги намликни меъёрида сақлаш талаб қилинади.

Кузги бошоқли дон экинлари экилган минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда буғдой етиштириш учун гектарига сарфланадиган сувнинг мавсумий меъёри 3000-4500 $м^3$, суғориш меъёри эса 700-800 $м^3$ ни ташкил этади.

Тажрибалардан маълумки, тупроқ намлиги дала нам сиғимига нисбатан 70-75 фоиздан кам бўлмаганда буғдойнинг барча ўсиш ва ривожланиш босқичлари меъёрида ўтади. Ғалла майдонларида нам тўплаш мақсадида ерни уруғ экишга тайёрлаш олдидан, экилган уруғни бир текис ундириб олиш учун эгат олиб, уруғ суви бериш ҳамда ўсув даврида ер шароитини ҳисобга олган ҳолда бир неча марта суғориш зарур.

Суғориладиган ер шароитида кузги буғдой парвариши – уруғни бир текис ундириб олиш учун уруғ суви бериш, уруғ экилгандан кейинги кундан бошланиши керак. Бунинг учун суғориш ўқариқларини олиш ва уларнинг узунлигини 50-60 метрдан оширмаслик керак, шундагина сифатли суғориш ва сувдан самарали фойдаланишга замин яратилган бўлади. Уруғ сувидан кейин тупроқ намлиги етарли бўлса, 8-9 кунда уруғ текис униб чиқади.

Эрта ва мақбул муддатда экилган ғалла майдонларида уруғ бир текис ундириб олинганда ниҳолларнинг кузги ривожи, илдиз тизимининг ривожланиши натижасида қишдан яхши чиқади. Шунингдек, кейинги ўсиб-ривожланиш фазаларини мақбул муддатларда ўтиши таъминланади.

Ғалла ниҳоллари униб чиққач, 20-25 кун ичида тупланиш фазаси бошланади. Агар тупланиш фазаси шу муддатдан кечикса, ҳар гектарига 5 тоннадан чириган гўнг сепиш энг самарали усул ҳисобланади.



*Наманган вилояти Уйчи туманидаги “Мирзааҳмад ота ўғли Нурмуҳаммад” фермер хўжалигида ғалладан мўл ҳосил олиш учун ҳозирданоқ мустаҳкам замин қўйилмоқда. Бунинг натижалари баравж ривожланаётган ғалла майсаларида ҳам кўриниб турибди.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Эрта ва мақбул муддатларда экилган ғалла майдонларида ниҳоллар тўла туплаб, қишловга киришга улгуради. Ниҳолларнинг қишловга туплаган ҳолда кириши, уларнинг совуққа чидамлилигини ошириш билан бир қаторда юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ғалланинг кузги парваришидан асосий мақсад, экин майдонларида мақбул кўчат қалинлигини сақлаш, лозим бўлса уруғ униб чиқмаган дала қисмларида қўшимча уруғ экиш йўли билан тўла кўчат олишга эришишдир.

Кузда майдонлардаги буғдой ҳолати тўла таҳлил қилиниб, тупланиши ва қишга тайёрлик ҳолатини кучайтириш мақсадида, биринчи навбатда, тупроқ унумдорлиги паст, буғдой майсалари тупламасдан сарғайган ва эндигина униб чиққан буғдой майдонлари азотли ўғитлар билан озиқлантирилади.

**Кузги озиқлантириш.** Фосфорли ўғитлар йиллик меъёри экиш олдидан берилган майдонларда фосфор етарли бўлади. Аммо буғдой ривожланишининг бошларида ўсимлик учун азот талаб қилинади. Шуни ҳисобга олган ҳолда кузда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 15 фоизини ёки 30-35 килограмм физик ҳолда берилиши, ўсимлик генератив органларининг шаклланишига, бошоқдаги дон миқдорига, тупланиш жараёнига ижобий таъсир этади.

Белгилангандан юқори меъёрда азот берилса, азотнинг бир қисми тупроқнинг пастки қатламига ювилиб кетади. Кузги озиқлантиришни тупроқ таркибидаги озуқа моддаларни аниқлаш асосида ўтказилиши юқори самара беради.

Кузда кунлик ўртача ҳаво ҳарорати +5°С бўлган кундан бошлаб ўсимлик тиним даврига, яъни қишлашга киради. Аммо буғдой ўсимлиги тиним даврига кириши билан ўсув даври эрта баҳоргача тўхтаб қолмасдан ҳаво ҳарорати кўтарилганда давом этади, пасайганда ўсишдан тўхтайди.

Ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан кейин, биринчи навбатда, пайҳоннинг олди олиниши зарур. Бунда дала четларини четан тўсиқлар билан ўраш талаб этилади.

Ғўза қатор орасига кузги буғдой экилган майдонлардаги ғўзапояни ер музлаган вақтида буғдой илдизига зарар етказмасдан ўриб, даладан олиб чиқиш ва буғдой майдонларини пайхонгарчилигига йўл қўймаслик лозим.

Дон экинларини ҳар бир озиқлантиришдан сўнг, суғориш ишларини амалга оширишда “шарбат” усули қўлланилиши яхши самара беради. Бунда ҳар 5 гектар ғалла майдонига 1 донадан “шарбат” ўралар ҳамда гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш лозим.

Ғалла майдони атрофларини мунтазам равишда бегона ўт қолдиқларидан, дарахтларни қуриган пўстлоғи ва шохларидан тозалаш ишларини амалга ошириш зарур, чунки асосий зарарли ҳашарот, зараркунандаларнинг қишлаб чиқадиган жойи ҳисобланади.

Кузги буғдой парваришидаги чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширилиши юқори ва сифатли дон ҳосили олинишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**Равшанбек СИДДИҚОВ,**
*Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.*

Қашқадарё Вилояти

▼ МЕЛИОРАЦИЯ

# ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

**Қарши шаҳрида вилоятда ирригация-мелиорация соҳасида амалга оширилган ишларга бағишлаб “Сув ҳаёт манбаи бўлса, мелиорация мўл ҳосил гаровидир” деб номланган тадбир ташкил қилинди.**

Тадбирда соҳа ходимлари, айниқса, механизаторларнинг фидокорона хизматлари эвазига ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланаётгани, бунинг натижасида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ошаётгани ҳақида атрофлича сўз юритилди. Об-ҳаво инжиқликлари ва бошқа табиий омиллар эҳтимолидан келиб чиқиб, узоқ муддатга мўлжалланган ирригация-мелиорация тадбирларини ишлаб чиқиш, соҳада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Юртбошимиз томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатларга биноан ўтган йилларда вилоятда умумий қиймати 70,7 миллиард сўмлик 173 та лойиҳа асосида 4 минг 408,6 километр узунликдаги коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Натижада фермер хўжаликларига қарашли 93 минг 920 гектар суғориладиган майдонлар, 50 минг гектардан зиёд шахсий томорқа ерларнинг мелиоратив ҳолати барқарорлашди. Кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 9260 гектарга камайди, сизот сувлари сатҳи юқори бўлган 8530 гектар майдон яхшиланди. 76 минг 130 гектар майдонда сизот сувлари сатҳини меъёрида сақлашга эришилди.

2008-2013 йилларда вилоятдаги ирригация объектларида 28,1 миллиард сўмлик маблағ эвазига 11 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 19 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди.

Бу борада жорий йилда ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, қарийб 18 миллиард сўмлик маблағ эвазига 597,1 километр узунликдаги коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилмоқда. Бунинг натижасида 13 минг 460 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Тадбир давомида бу борадаги ишлар сифатини янада яхшилаш эртанги мўл ҳосил гарови, турмушимиз фаровонлигининг кафолати экани алоҳида таъкидланиб, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда вилоят ҳокими З.Рўзиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

○ **Кўргазма**

# ОЛТИН ДАЛА МАҲСУЛОТЛАРИ

**(Боши 1-саҳифада)**

– Фермер хўжалигимиз асосан боғ-токзорларни барпо этиш ва уларни парваришлашга йўналтирилган, – дейди Зангиота туманидаги “Сардор Назира” фермер хўжалиги иш юритувчиси Шерзод Усмонхўжаев. – Олманинг 18 хилдан ортиқ навларини кўпайтирмоқдамиз. Шунингдек, хўжалигимизда олхўри, гилос, бодом, шафтоли, нок, хурмо ва турли манзарали кўчатларни ҳам етиштирамиз. Ҳамкорларимизга эса кўчатларни экиш ишларидан то улар ҳосилга киргунига қадар турли кўрсатма ва маслаҳатларни бериб борамиз.

Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган фермерлари, тадбиркорлар ҳамда соҳа мутахассислари ва улар томонидан тақдим этилаётган гулчилик маҳсулотлари, турли хил цитрус меваларнинг ўзимизда етиштирилаётгани кўриб, юртимиз табиатининг чиндан ҳам мўъжизакорлигига ҳамда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг кундан-кунга ривож топаётганига яна бир бор амин бўласиз.



Кўргазмада қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари учун замонавий технологиялар, техникалар, ускуналар намойиш этилмоқда. Харидлар, ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги келишувлар, алмашилаётган тажрибалар кўргазманинг самарали ўтаётганидан далолат беради.

Кўргазма доирасида “Фермер хўжаликларининг инновацион ишланма ва технологиялар трансфери ва илғор тажриба” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Ички истеъмол бозорини юртимизда етиштирилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барқарор ва ишончли тарзда тўлдириш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турини кўпайтириш ва сифатини оширишга эътибор катта. Аграр соҳага жорий этилаётган янги технологиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти ҳажмини ошириш имкониятларини тобора кенгайтирмоқда.

Тадбирда боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик тармоқларида энг замонавий технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт қилишнинг мақбул йўлларига эътибор қаратилди. Шунингдек, соҳа тараққиётига хизмат қилувчи тажрибалар ва ишланмалар иштирокчиларга ҳавола этилди.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**
*Суратлар муаллифи Рашид ГАЛИЕВ.*

○ **Реклама ва эълонлар**

**SOTILADI:**

**QOG‘OZ**

OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOG‘OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.

Shuningdek, **QALIN QOG‘OZ**

SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK
xizmat ko‘rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.

А также, **КАРТОН**

ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.

Услуги оказывает:
ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

**+99895 194-00-14, +99898 362-91-11**

ООО “GLOBAL FUTURES” (ИНН 302260087) М.Улугбекского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 070 107 477 сум до 1 069 798 797 сум.

Абу Райхон Беруний номли Тошкент давлат техника университети томонидан Сайдалиев Хакимхон Акмалхон ўғли номига берилган 1018-сонли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ДСИ томонидан ЯТТ “Gulyamov Yakubjon Mansurovich” (СТИР 497482068) номига 09.06.2014 й.да берилган А № 009170 (0603912) сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МЧЖ шаклидаги “QIBRAY TOVUQ” хорижий корхонаси ўз устав фондини 779 943,0 АҚШ доллари миқдоридан 685 976,10 АҚШ доллари миқдорига камайтирилишини маълум қилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вил. Ўртачирчиқ т. Тўй-тепа ш. О.Шарофитдинов кўч. Тел.: +99890 999-90-76.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (03.06.2009 й., реестр № 002939-01) рўйхатдан ўтган “DONIYOR AVTO PROFI” МЧЖ (ИНН 301208617) Тошкент вил. Зангиота т. ТСРЎИда (01.06.2010 й., реестр № 0002637) рўйхатдан ўтган “ZANGIOTA PARRANDA BIZNES” МЧЖ (ИНН 207080517) Тошкент вил. Зангиота т. ТСРЎИда (27.07.2010 й., реестр № 0002672) рўйхатдан ўтган “ANVAR-RAXMAT AVTO” МЧЖ (ИНН 207091305) Учтепа т. ТСРЎИда (12.10.2007 й., реестр № 001838-01) рўйхатдан ўтган “A-R JORA-KOMOL” МЧЖга (ИНН 206934988) бирлаштирилади.









Андижон Вилояти

МАЪМУРЧИЛИК

# БОЗОРЛАР ТЎКИН, ТУШУМ ҲАМ ШУНГА ЯРАША

**Кўпни кўрган нуроний отахону онахонларнинг эътирофи этишларига қараганда, олтин куз бароктали келди. Дастурхонларнинг тўкин-сочинлигини кўриб, ноз-неъматларга қўл узатаётиб, қайта-қайта шукр дейсиз. Хонадонларнинг томорқаларида, фермерларнинг далаларида пишиб етилган маҳсулотлар шу қадар бисёрки, мўл-кўлчилик бозорларимизни ҳар қачонгидан кўра обод қилмоқда.**




Бугун ижтимоий аҳамиятга молик муассасаларнинг озиқ-овқат захираси режадагига нисбатан кўпроқ дейишга тўла асос бор. Чунки, вилоят миқёсида бу борадаги топшириқ аллақачон ўз ижросини топиб бўлди. Корхона, муассаса, ташкилотларда ҳам ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазаси учун озиқ-овқат захираси яратиш бўйича ишлаб чиқилган дастур доирасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бозорларга кирсангиз, бўш растанинг ўзи йўқлигига ишонч ҳосил қиласиз. Нарх-наводаги барқарорлик ҳар бир фуқарони хотиржамликка ундайди. Ҳар ким ўз таъбига, эҳтиёжига қараб исталган мева ва сабзавотларни харид қилишлари учун танлаш имкониятига эга. Яқинда вилоят ҳокимлиги ҳамда бозорлар уюшмаси ҳамкорлигида захира яратиш бўйича кўргазмали тадбирлар ўтказилди. Ҳар бир деҳқон бозорида қиш мавсуми учун захира яратилган. Бунда банклардан берилган имтиёзли кредитлар қўл келмоқда.

Масалан, Марҳамат деҳқон бозорида кредит эвазига салкам 30 тонна картошка, пиёз, сабзи, карам, шолғом, турп, гуруч ва бошқа маҳсулотлар жамғарилган. Бозор раҳбари Ҳакимжон Обидовнинг айтишига қараганда, жамғарилган захира бирор-бир маҳсулотнинг расталарда камайиб қолишининг олдини олади. Фермерлар билан ҳамкорликда ишлаш натижасида жойларда бундан кўпроқ маҳсулотлар қиш мавсуми учун жамғарилган. Келаси йили бозор ўзининг 150 тонналик совиткичига эга бўлади. Фермерлар ҳам ихчам совиткичлар барпо этишга киришмоқда.

Худди шундай тўкин-сочинликни Хўжаобод деҳқон бозорида ҳам кўрдик. Захирага маҳсулот қўйган фермерлар билан ишонч муҳити мавжуд. Бозор омборхонасида эса 25 тонна маҳсулот турибди. Расталардаги ранг-барангликлик, энг муҳими, арзончилик харидорларнинг мамнунлигига сабаб бўлмоқда.

Жалақудуқ деҳқон бозорида ҳам сотувчиларга яратилган шароит боис, маҳсулотлар хилма-хиллиги, мўл-кўллиги жойида, дейишга тўла асос бор. Бозор раҳбари Носиржон Сотволдиевнинг сўзларига қараганда, фермерлар, шахсий томорқа эгалари ҳамда тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан маҳсулотлар бозори чаққон.

– Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, – дейди бозор раҳбари Носиржон Сотволдиев. – Қўшимча жой ажратиш масаласини туман ҳокимлиги эътиборига ҳавола этдик. Масала жойида ўрганилди ва бизнинг таклифимиз қўллаб-қувватланиб, бир гектар қўшимча ер ажратилди. Бу билан бозорда расталар кўпайиши баробарида ободончилик ишларини кўнгилдагидек ташкил этиш имконияти юзага келди. Жумладан, захира яратиш учун имкониятимиз янада кенгроқ бўлмоқда.



Кейинги йилларда боғ-роғлар, сабзавот майдонлари кенгайди. Натижада маҳсулот хиллари ҳам ижобий томонга ўзгара бошлади. Ҳозирда 20 дан зиёд фермер хўжалигида 100-300 тонна сиғимга эга бўлган совиткичлар бор. Анъанавий усулда маҳсулот сақлаш тизими ҳам такомиллашмоқда. Сирасини айтганда, озиқ-овқат мўл-кўллигини таъминлаш бўйича мамлакат миқёсида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самараларини бераётир.

Вилоятдаги 14 та туманда деҳқончилик ва боғдорчилик юритишнинг йиллар давомида шаклланган ўзига хос йўналишлари бор. Айтайлик, Бўз, Улуғнор, Балиқчи туманларида полиз экинларини етиштириш, сақлаш ва бозорга чиқариш ривожланган. Хўжаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Пахтаобод туманларида кечки картошка етиштириш учун об-ҳаво қулай. Такрорий экин сифатида сабзи, шолғом, турп, мош, ловия экиш барча туманларда мавжуд. Асака, Марҳамат, Булоқбоши ва Жалақудуқ туманларида узумчилик ривожланганки, баҳор ойининг ўрталаригача ҳам уни сақлаётган соҳибкорлар кўп.

Маҳсулот етиштириш ҳажмининг муттасил ортиб бораётганлиги, эҳтиёж ҳам шунга яраша эканлиги инобатга олиниб, Пойтуғ ва Куйганёр деҳқон бозорлари кенгроқ жойда янгидан ташкил этилди. Худди шундай янгиланишни Пахтаобод бозорида ҳам кўриш мумкин. Бошқа бозорларда эса шароитни бундан-да яхшилаш имкониятлари ишга солинмоқда. Шу ўринда ибратли чора-тадбирлар ижросини айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирда Андижон шаҳрининг ўзида 2 та улгуржи деҳқон бозори фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бозорлардаги мўл-кўлчилик ва арзончилик боис, улгуржи харид учун тўла-тўкис шароит бор. Вилоят марказида дон маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилувчи бозорнинг ташкил этилганлиги ҳам юртдошларимизнинг кўнглидаги муддао бўлди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида аҳолиси кўп қишлоқларда бозорларнинг филиалларини ташкил этиш бошланди. Ҳозирда бундай минибозорлар сони 10 тадан ортди. Намунали турар-жой манзилларида ҳам гузар кўринишидаги бозорчалар барпо этиш бўйича дастлабки тажрибага қўл урилди. Чунончи, Олтинкўл туманидаги “Далварзин”, Асака туманидаги “Файзиобод” гузарлари бу борадаги тажрибани давом эттириш учун туртки бўлмоқда.

Хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга банклар томонидан молиявий кўмак берилаётгани эътиборга молик. Ҳозирга қадар мавжуд деҳқон бозорлари омборларига 1000 тоннадан зиёд маҳсулот захирага қўйилган. Бунинг учун банклар томонидан салкам 500 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Ўтган кузда ушбу кўрсаткич 50 миллион сўм атрофида бўлганди. Эндиликда ҳар бир бозордаги “Элга хизмат” шўъба корхоналари ўз фаолиятларини кенгайтирмоқда. Гўшт маҳсулотларининг пластик карточкалар орқали сотилиши кўпчиликни мамнун этмоқда. Андижон шаҳридаги “Янги бозор”да мева-сабзавот маҳсулотларини ҳам пластик карточкалар орқали сотиш бўйича тайёргарлик охирига етказилмоқда. Бунда “Ҳамкорбанк” билан тузилган ўзаро шартнома қўл келиши аниқ.

Вилоят бозорлар уюшмаси бошқаруви раиси Ҳотамжон Мамарасуловнинг сўзларига қараганда, ҳар бир юртнинг кўзгуси ҳисобланмиш бозорлар фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тўкин-сочинликка хизмат қилмоқда. Хизмат кўрсатиш маданиятининг юксалиши натижасида бозорларда пул тушуми борасида ўсиш юзага келди. 2012 йил ёзига нисбатан 2014 йилнинг шу даврида пул тушуми миқдори ойига 1 миллиард 200 миллион сўмдан 2 миллиард 200 миллион сўмга ортди. Бунинг натижасида бозорларнинг замон талабига мос тарзда фаолият юритиши учун иқтисодий имкониятлар кенгаймоқда.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




## ПОЕЗДЛАР ҲАВОДА ҲАРАКАТЛАНАДИ

**Японияда соатига 500 километр тезликда магнит ёстиқчалари ёрдамида ҳаракатланадиган поездлар лойиҳаси ишлаб чиқилди.**



Унга кўра, поездлар ўзидаги ва релслардаги магнит ёстиқчалари эвазига ҳавода муаллақ туриб, жуда тез ҳаракатланади. Ғилдирак вазифасидаги ускуналар эса фақатгина “кўтарилиш” ва “қўниш” учун керак бўлади.

85 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланган ушбу лойиҳа Япониянинг энг йирик шаҳарлари – Токио, Нагоя ва Осакани “маглев”лар (магнит левитацияси ёрдамида ҳаракатланадиган поездлар) ёрдамида бирлаштиришни кўзда тутади.

## 22 КИЛОГРАММЛИК КАРТОШКА

**Туркиялик Митхат Фатмаўғли 22 килограммлик картошка етиштирди. Энди у “Гиннеснинг рекордлар китоби”га ариза бермоқчи.**



– Уч ой аввал ширали картошка эккан эдим, ҳосилни кавлаб олишда бири 22 килограммлик, яна бири 8,5 килограммлик картошкаларни топдик, – дейди у.

Бугунги кунда “Гиннеснинг рекордлар китоби”га расман киритилган энг йирик картошка 3,73 килограмм оғирликка тенг. У Буюк Британияда яшовчи боғбон Питер Глазебрук томонидан етиштирилган.

## КЕЛИННИ КЕЛГАНДА КЎР...

**Саудия Арабистонидаги тўй маросимида куёв келинни биринчи марта кўрибоқ дарҳол ажрашишга қарор қилди.**



Мадина шаҳрида бўлиб никоҳ маросимида фотосуратчи расмга тушириш учун қиздан тўр рўмолини юзидан олишни сўраган. Келинни шу пайтгача кўрмаган куёв ҳам уни биринчи марта кўриб, ўрнидан сакраб туриб кетган ва унга уйланмаслигини айтган.

Шундан сўнг тўй тўхтатилди. Куёвнинг айтишича, келин унинг тасаввуридагидек эмас экан.

## ЖОНАТАН СВИФТ «ҚАҲРАМОНЛАРИ»

**“Гиннеснинг рекордлар китоби”нинг 60 йиллиги муносабати билан Лондонда ушбу китобга киритилган рекордчилар иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди.**



Ушбу тадбирда дунёнинг энг бўйи баланд одами турк Султан Кесен ҳамда энг бўйи паст одам непаллик Чандра Бахадур Данги учрашди.

Ноёб кўринишга эга одамлар учрашув давомида замонавий дунёда қандай яшаётганликлари ҳақида суҳбатлашишди.

Султан Кесен 2009 йили 251 сантиметр бўйи билан рекорд ўрнатган эди. Данди эса, ўз навбатида, 2012 йили 54,6 сантиметр бўйи билан ушбу китобдан ўрин олган.

## ТАЙСОН РЎМОЛЧАСИНИ ЙЎҚОТДИМИ?

**Америкалик таниқли боксчи Майк Тайсон англиялик ёзувчи Уильям Шекспирнинг “Отелло” пьесасида Отелло ролини ўйнаш истагини билдирди.**



Тайсоннинг сўзларига кўра, у ҳозирча театр саҳнасига чиқишга тайёр эмас, шу сабабли у ўзини дастлаб телевидениеда синаб кўрмоқчи.

Айни пайтгача, Тайсон 55дан ортиқ фильмда суратга тушган бўлиб, уларнинг аксариятида айнан Майк Тайсон ролини ижро этган. Таниқли боксчи суратга тушган яна икки фильм яқин орада сотувга чиқарилиши кутилмоқда.

***Интернет хабарлари асосида тайёрланди.***

Қашқадарё Вилояти

*Вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабида “Гимнастика ҳамма учун” спорт мусобақасининг вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада ҳар бир тумандан 12 нафардан хотин-қизлар иштирок этди.*

## ГИМНАСТИКА ҲАММА УЧУН

Мусобақанинг биринчи шартида иштирокчилар “Соғлом она – соғлом бола” композициясини ижро этишган бўлса, иккинчи шартда эркин мавзудаги гимнастрада машқларини намойиш қилишди.

– Эллик ёшдаман, – дейди қамашилик Гулжаҳон Суюнова. – Кўп йиллардан буён 20 нафардан ортиқ қишлоқдош аёллар билан биргаликда Қизилтепа қишлоғида очилган соғломлаштириш марказида гимнастика билан шуғулланамиз. Ёшингиз улғайгани сари спорт билан доимий машғул бўлишнинг фойдасини кўпроқ сезарқансиз.

Бадиий гимнастика ва гимнастраданинг нафис машқларини умумлаштириб, мусиқага мос, бир-биридан чиройли рақсларни ижро этган Шаҳрисабз тумани жамоаси ғолиб бўлди. Энди улар мусобақанинг республика босқичида иштирок этадилар.

**Хусан ТЕМИРОВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АГРОТЕХНИКА

~ Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Пресcподборщик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур



(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST
Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида




ООО Теннисный клуб “PAXTAKOR TENNIS” (ИНН 200895131) зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Узбекистанская, 98 а стадион “Пахтакор”, ликвидируется (протокол № 4 от 18.11.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянное свидетельство о 9-летнем образовании № 085047, выданное в 1992 г. школой № 260 Юнусабадского р-на г. Ташкента на имя Казаченко Дениса Юрьевича, считать недействительным.

“YUQORICHIRCHIQ METALL INVEST” МЧЖ устав фондининг миқдори 500 000 000 сўмдан 240 000 000 сўмгача камайишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан Тошкент ш. Чилонзор т. Бунёдкор шох. кўч. 156-А уй манзилида жойлашган халқаро улгуржи чакана савдо ярмаркаси 102-блок 32-сонли дўкон учун Шарипова Нигора Ўктам қизи номига берилган ҳадя маълумотномаси (№ 66, 08.01.2014 й.) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянные угловой штамп, круглую печать и патент за № 08-03654 (ИНН 450620735) зарегистрированное хокимиятом Чиланзарского р-на на имя Частного предпринимателя Гозиева Фурката Рафиковича, считать недействительными.




“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқиб, 27.06.2014 й.да ўтказилган “Ўзметаллсавдо” акциядорларининг Умумий йиғилиш қарори билан корхона устави янги таҳрирда тасдиқланди. “Ўзметаллсавдо” АЖ деб ўзгартирилди.

ТЕХНОПАРК

ШОШИЛИНГ, АРЗОН НАРХЛАРДА!

Тошкентдаги омборхонадан турли хилдаги янги қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этамиз:

1. Экскаватор-погрузчиклар ЭП-25 (МТЗ 82.1)
2. Фронтал погрузчиклар П-11 (МТЗ 1221)
3. Пресс-подборшиклар (PVP-351 Claas лицензияси асосида)
4. Тракторлар (МТЗ Беларус)
5. Омочлар
6. Картошка экиш сеялкаси ва картошка ковлаш агрегати
7. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари



Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Лизинг хизматлари мавжуд.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Халқаро Бизнес Маркази 3-қават.
Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 550-40-22, (+99894) 666-67-10, (+99890) 990-78-80.
Омборимиз манзили: Тошкент шаҳри Бектемир тумани ТҲАЙ Янгиобод бозори яқинида (Promzona.uz).

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ
Мусаҳҳиҳ: С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1119, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.30 15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5